

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **А.МИРЗАЕВ.** Бозор шароитида суғориладиган ерларда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари
7. **A.ABDULLOYEV.** Mintaqa investitsion jozibadorligini baholash usullari
11. **Ф.ЮЛДАШЕВ.** Вопросы активизации инвестиционной деятельности банков путём создания финансово-промышленных групп
14. **Х.ҚАЛИМБЕТОВ, К.ХАЛМУРАТОВ, К.ПОЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалигида ихтисослашув жараёни юз беришидаги муҳим шарт-шароитлар
17. **N.JURAYEVA.** Xorijiy tajribalar asosida, qishloq xo'jaligida yangi xizmat turlarini tashkil etish imkoniyatlari
20. **М.ЭРХОНОВА.** Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда ҳимоялаш соҳасини ривожлантиришнинг тн'азарий асослари
23. **М.ЯХЯЕВ.** Ҳайлов чорвачилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
27. **З.ИШНИЯЗОВ.** Пахтачилик соҳаси фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари
29. **I.ERGASHEV, S.YULDASHEVA.** Paxtachilikda iqtisodiy samaradorlikni oshirishning omillari
32. **А.АБДУМЎМИНОВ.** Озиқ-овқат саноатининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни
35. **Г.АДИЛОВА.** "Ақли қишлоқ хўжалиги" концепцияларининг қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти
39. **Д.ДЖАЛАЛОВА.** Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий этишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш йўллари
42. **З.ЮСУПОВ.** Қишлоқ хўжалигини техник модернизациялаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари
45. **С.ЖАМОЛДИНОВ.** Давлат солиқ инспекцияларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари
49. **М.ТУРДИЙЕВА.** Sanoat korxonalarida innovatsiyalarning tutgan o'rni va roli (Buxoro hududi misolida)
51. **З.ҚАЙИМОВА, А.АБДУЛЛАЕВ.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро стандартлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари
54. **З.РЕЙМБАЕВА.** Институционал механизмларининг моҳияти ва институтлар трансформациясида уларнинг ўрни
57. **З.ШАНИЯЗОВА.** Қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришнинг назарий ва концепция асослари
59. **Z.GAIBNAZAROVA.** Avtomobilsozlik korxonalarida ilmiy-tadqiqot va ta'lim faoliyatini rivojlantirish
63. **М.А.ОРИПОВ, Н.О.РАХМОНКУЛОВА.** Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг мамлакат автотранспорт саноатидаги ўрни
66. **Қ.ПЎЛАТОВ.** Тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари
70. **Н.ХАЛЛИЕВА.** Ўзбекистонда аҳоли бандлигининг амалдаги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболи
73. **A.ABDULLOEV, I.LATIPOV.** Oliy ta'lim muassasalarida ta'limning sifati va samaradorligini oshirish yo'llari
76. **А.ЖУЗБАЕВ.** Кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарали молиялаштириш – соҳа тараққиёти гарови
81. **А. ОБЛОҚУЛОВ.** Туркияда кооперация шакллари ва муносабатларини ривожлантириш ҳолати ҳамда уни мамлакатимизда жорий этиш имкониятлари
84. **А.НАУРИЗБАЕВ.** Акциядорлик жамиятларнинг инвестицион фаолияти йўналишлари
87. **О.ҒАЙБУЛЛАЕВ.** Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали инвестицион салоҳиятни оширишнинг концептуал асослари
91. **Ҳ.ТУРОВОВА, Л.ЖИЯНОВ.** Биоиқтисодиёт: Бухоро вилоятида экин майдонларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари
94. **Д.МАТКАБУЛОВА.** Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда туризм салоҳиятидан фойдаланишни такомиллаштириш йўналишлари
99. **Н.ЯКУБОВА.** Бизнес-процесс в страховой деятельности во взаимосвязи с глобальными трендами: специфика и оптимизация
105. **А.АБДИЛАЛИМОВ.** Анализ и учет затрат в зерноперерабатывающих кластерах
109. **М.НАЗАРОВА.** Мева-сабзавот тармоғида инновацион технологияларни қўллашда ривожланган мамлакатлар тажрибаси
112. **Д.РУСТАМОВА, Д.СУЛҲОНОВА.** Агробизнесда маркетинг стратегияси ва уни бошқаришнинг асосий йўналишлари
116. **Т.МАМАНАЗАРОВ.** Замоनावий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: кейс-стади
119. **Н.СОЛИЕВА.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари
122. **Г.БАЙМУРАТОВА.** Суғурта ташкилотлари молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар
124. **Б.ЖУБАНОВА.** Тадбиркор субъектларнинг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш
128. **O.SHERMATOV, G.OLIMJONOVA.** Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda meva sabzavotchilik sohasining o'rni
130. **Ш.АЗИЗОВ, О.МУСТАНОВ, Б.ЖЎРАЕВ.** Транспорти-логистик тизимлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг назарий-услубий асослари
133. **М.ТАИРОВА, М.НИЯЗОВ.** Современные системы оценки персонала предприятия по методу kpi (key performance indicators)
137. **К.ШОДМОНҚУЛОВ.** Кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда индустриал паркларнинг ўрни
141. **Д.ЯНГИБОЕВ.** Лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини оширишнинг ташкилий асослар
143. **N.ASHURMETOVA, G.XAMDAMOVA.** Jahon va o'zbekistonda organik qishloq xo'jaligini rivojlantirish tendentsiyalari
147. **Д.ШАМШИТОВА.** Классификация экономических потер наносимых вредителями сельскохозяйственному производству
150. **Ш.ИГАМОВА.** Перспективы дальнейшего развития промышленности строительных материалов
154. **А.ХАТАМОВ, З.САБУРОВА.** Аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш жараёनларини такомиллаштириш

БИОИҚТИСОДИЁТ: БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Хулкар ТУРОБОВА,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

Лазиз ЖИЯНОВ,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада экин ерларининг чўлланиши ва деградацияси кучаётганлиги оқибатида экин майдонларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашаётганлиги, ерларнинг унумдорлиги ва экинларнинг ҳосилдорлиги пасайиб бораётганлиги ҳақида ёритилган. Экин майдонларининг унумдорли-гини оширишда алмашлаб экиш тизимидан самарали фойдаланиш зарур. Алмашлаб экиш тизимида экин майдонларидан ҳаморликда фойланиб, кооперация муносабатларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Аннотация: В статье В статье подчеркивается ухудшение мелиоративного состояния пахотных земель из-за роста опустынивания и деградации пахотных земель, снижения плодородия почв и урожайности сельскохозяйственных культур. Для повышения продуктивности пашни необходимо эффективно использовать систему севооборотов. В системе севооборота рекомендуется использовать кооперативные отношения, равномерно используя пашни.

Abstract: The article highlights the deteriorating reclamation status of arable lands due to increasing desertification and degradation of arable lands, declining soil fertility and crop yields. It is necessary to use the crop rotation system effectively to increase the productivity of arable lands. In the rotation system, it is recommended to use cooperative relations, using the arable lands evenly.

Охирги йилларда ерларнинг чўлланиши ва деградацияси кучаётганлиги, бунинг оқибатида турли даражадаги экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Худудининг 80 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси учун чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масалалари барқарор ривожланишни таъминлашда устувор ўрин эгаллайди.

Ҳозирги вақтда қарийб 10 млн. гектар яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож. Молларни бир яйловда қайта-қайта ўтлатиш, дарахтларни ёқилғи ва бошқа мақсадлар учун кесиш чўл зонасида дарахт-бута ўсимлигининг анча камайиб кетишига олиб келди [1].

Республикада кўчадиган қумлар қарийб 1 млн. гектар майдонни эгаллайди ва ушбу ерларнинг икки юз минг гектари сўнгги вақтда суғориладиган майдонлар атрофида пайдо бўлган. Бу эса чўллашиш жараёнининг жадаллашувида намоён бўлувчи жиддий таҳдидни вужудга келтирмоқда. Ерлар деградацияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган суғориладиган ҳудудларда ҳам рўй бермоқда[1].

Мамлакатимизда самарасиз фойдаланиш, суғориш қоидаларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозия таъсири, кучли шўрланиши, гипсланиши оқибатида қишлоқ хўжалигидан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин майдонлари 2020 йил 1 январь ҳолатида 83,7 минг гектар бўлиб, шундан суғориладиган зонада 48,7 минг ва лалмикор зонада 35 минг гек-

тарни ташкил этган[6]. Ушбу тоифадаги ерларнинг катта қисми Қашқадарё вилоятида 21,9 минг гектар, Жиззах вилоятида 11,3 минг гектар, Қорақалпоғистон Республикасида 11,2 минг гектар, Сирдарё вилоятида 10,3 минг гектар майдонни эгаллаган. Бухоро вилоятида эса 7 минг гектарни ташкил этиб, бу ерлар суғориладиган зоналарда жойлашгандир. Бундай ерлар Бухоро вилоятидаги суғориладиган жами ер майдонларининг 3,0 фоизини ташкил этади.

Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатни ёмонлашиш сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин: мелиоратив тизимларнинг номукамаллиги; ички суғориш тармоқларининг сувдан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги; суғориш манбаларидан сув йиғувчи иншоотни номукамаллиги; қишлоқ хўжалик экинларининг жойлаштиришнинг лойиҳавий таркибини бузилиши; суғориш даласининг ёмон текисланганлиги; суғориш меъёрини ошиши; шўр ювиш меъёрини ошиши ва бошқалар.

Республикада экин майдонларининг мелиоратив ҳолатни яхшилаш бшйича бир қанча тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Биргина 2020 йилда республикаимизда 728,5 км очик коллектор тармоқлари, 234,9 км ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқлари, 89 та вертикал дренаж қудуқлари, 189 та гидротехник иншоотларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, 13 584,1 км коллектор-дренаж тармоқлари, 324 та вертикал дренаж қудуқларида таъмирлаш-тиклаш

Калит сўзлар: чўлланиш, деградация, мелиорация, алмашлаб экиш, озуқа экинлари, кооперация.

ишлари бажарилди[8].

Мелиоратив тадирларнинг амалга оширилиши натижасида 294,5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жумладан, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 29,8 минг гектарга камайди, сизот сувлари сатҳи 2 метр гача бўлган майдонлар 85,7 минг гектарга қисқарди,

179,0 минг гектар майдонда ерларнинг мелиоратив барқарорлиги таъминланди. Ушбу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорлик ўртача 2–3 центнерга ошди. 100 минг гектардан зиёд ерлар қайта фойдаланишга қиритилиб, қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда янги иш ўринларини яратилишига эришилди[8].

Ер ости сувлари сатҳи ва суғориладиган ерларнинг шўрланиш динамикасини реал вақт режимида мониторинг қилишни ташкил этиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг грант маблағлари ҳисобидан жойлардаги Мелиоратив экспедицияларида геоахборот технологиялари билан

жиҳозланган мониторинг марказлари ташкил этилди ва Сув хўжалиги вазирлиги билан VPN тармоғи орқали ягона тизимга уланди[8].

Осиё тараққиёт банки ва JICA иштирокидаги “Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш” лойиҳаси бўйича 64,8 млн. доллар (режага нисбатан 111%) ўзлаштирилди. Лойиҳа доирасида жами 60 дона насос агрегатларини алмаштириш, 1 дона янги насос станциясини қуриш, 3,2 млн. м³ тупроқ ва 67 минг м³ тупроқ ишларини бажариш режалаштирилган бўлиб, 2020 йилда 22 дона насос агрегатлари ўрнатилди, 1,38 млн. м³ тупроқ ва 3,7 минг м³ бетон ишлари бажарилди[8].

Бухоро вилоятидаги суғориладиган ерлар республикадаги жами суғориладиган ерларнинг 0,6 % қисмини ташкил этади. Бухоро вилоятидаги суғориладиган ерлар жами қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг 2017 йилда 8,9 % ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 8,8 % ни ташкил қилган. 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 1,2 фоизга камайган. Республикада қишлоқ хўжалиги фаолияти маҳсулотлари етиштирувчилар ихтиёрида бўлган суғориладиган ерлар майдони 2019 йилга келиб, 2017 йилга нисбатан 0,3 % га камайган. Бухоро ви-

1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан суғуланувчи ердан фойдаланувчилар ихтиёрида бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлар, минг гектар

Йиллар	2017	2018	2019	2019 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши
Республика бўйича	3702.4	3694.6	3694.8	99.7
Бухоро вилояти	226,0	226,0	226,6	100.2
Суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши, улуши, %	8.9	9.0	8.8	98.8

Манба: www.stat.uz

лоятида эса 0,2 %га ошган (1-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги

2-жадвал

Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини ер майдони, минг гектар

Маҳсулотлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши
Дон	91,2	80,3	72,6	79,6
Пахта	106,2	104,5	106,7	100,4
Картошка	4,3	5,6	5,6	130,2
Сабзавотлар	10,4	16,1	18,8	180,7
Озиқбоп полиз	2,2	2,9	4,3	195,4
Озуқа эканлари	24,8	26,4	30,2	121,7
Мева ва резавор	12,8	12,7	13,8	107,8

Манба: www.stat.uz

экин турлари бўйича жумладан, дон экиладиган майдонлар 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 20,4 % га камайган, картошка, сабзавот, полиз, озуқа экинлари, мева ва резаворлар экин майдонлари кўпайган.

Бухоро вилоятида 2019 йилда 30,2 минг гектарга чорва моллари учун озуқа экинлари экилган бўлиб, бу жами суғориладиган экин майдонларининг 13 % идан сал кўпроғини ташкил этади. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан эса 0,3 % га кўпдир. 2019 йилда вилоятда озуқа экинлари таркибида 8,6 % ни озуқабоп полиз, 34,7 % ни сенаж, силос учун экилган маккажўхори, 8 %ни бир йиллик ўтлар, кўп йиллик ўтлар эса 55 %ни ташкил этган. Мутахассисларнинг фикрича, хўжаликларда алмашлаб экишни йўлга қўйилганда озуқа экинлари майдони 20–22 фоизни ташкил қилиши зарур экан[2]. Озуқа базаси ширали, дағал ва қисман концентрат (маккажўхори дони) озуқалар етиштиришга мўлжалланади. Шу боисдан озиқабоп экин майдонларининг 35 фоизиди беда, ва 65 фоизиди икки маротаба озуқабоп экинлар (тритикале, сули, арпа, хашаки нўхат, рапс) аралашмасини сенаж учун

ва сўнгра маккажўхорини силос ва дони учун жойлаштириш мақбул ҳисобланади[4].

Олимилар таҳлилларига қараганда, республикамиз тупроқлари ҳосилдор-ликни оширувчи муҳим элемент – гумус билан кам таъминланган бўлиб, ерда дегумусификация жараёни кечмоқда. Яъни, гумуснинг парчаланishi ва йўқ бўлиши кузатилмоқда. Тупроқдаги гумуснинг 1 фоиз йўқолиши қишлоқ хўжалиги экинлари ва ғалла ҳосилдорлигининг гектарига 2–3 центнер пасайишига олиб келади[7]. Тупроқнинг дегумусификация бўлиши сабаби кўп йиллик дуккакли экинлар ва бедани алмашлаб экилмаётгани ва органик ўғитларнинг етишмаслигидадир. Бунинг олдини олиш, яъни тупроқда гумус элементини кўпайтириш мақсадида алмашлаб экишни самарали вариантларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Суғориладиган ерларнинг ирригацион-мелиоратив ҳолати ёмонлашиши натижасида ерларнинг умумий шўрланиш даражасининг ошиб борганлиги, алмашлаб экиш тизимининг бузилганлиги, нотўғри суғориш натижасида тупроқдан ҳар йили кўп миқдордаги фойдали элементларнинг оқиб кетиши, уларнинг ўрнини қопланмаслиги, минерал ўғитларни қўллашнинг мақбул нисбатларига амал қилмаслик натижасида, тупроқ сифат кўрсаткичларининг пасайиши оқибатида, бир гектардан олинаётган маҳсулот бирлигининг кам бўлишига олиб келмоқда. Масалан, 1 т пахта ҳосил билан тупроқдан 56 кг азот, 23 кг фосфор, 53 кг калий; 1 т кунгабоқар билан 50 кг азот, 27 кг фосфор, 228 кг калий; 1 т маккажўхори билан (силос учун) 2,4 кг азот, 0,9 кг фосфор ва 3,6 кг калий чиқиб кетади[4].

Бухоро вилоятида суғориладиган экин майдонларини йилдан йилга камайиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, экин майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланишда алмашлаб экиш тизимини самарали усуллари қўллаш зарур. Бунда, илмий асосланган алмашлаб экишни схемаларини қўллаш орқали экин майдонларидан оқилона фойдаланиш даражасини ошириш мумкин. Охирги йиллар-

да экин далаларига сурункали пахта экилиши натижасида алмашлаб экиш тизими издан чиқиб, ерларнинг унумдорлиги ва мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бормоқда. Шу соҳа мутахассисларнинг фикрича, алмашлаб экишда энг мақбул алмашлаб экиш варианты пахта-беда экин майдонларидир. Экин майдонларидан самарали фойдаланиш учун пахтачилик хўжаликлари ўзаро кооперация муносабатларидан фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Экин майдонларидан ҳамкорликда фойдаланиш синергетик (ЭМХФ) модели[3]: бундай кооперацион алоқалар ердан унумли ва самарали фойдаланиш, унинг унумдорлигини сақлаш мақсадида бир нечта пахтачилик фермер хўжаликлари ер участкаларидан биргаликда фойдаланишлари асосида ташкил этилади. Фермер хўжаликларида ҳамкорликда ягона алмашлаб экишни ташкил этилиши натижасида пахта ва буғдойдан ташқари чорвачиликни ҳам ривожлантириш ва юқори даромад олиш имконияти туғилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ер-чекланган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурсдир. Бугунги кунда унинг шўрланиши, саҳроланиши, ирригацион ва шамол эрозияси, тупроқнинг ҳар хил техник чиқиндилар билан ифлосланиши, гумус ва озуқа элементларнинг камайиб кетиши каби салбий ҳолатлар ушбу ресурсга жиддий хавф солмоқда. Шундай мураккаб шароитда улардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ҳамда унумдорлигини яхшилаш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш – давр талабидир. Алмашлаб экишни йўлга қўйиш ва унда фойдаланилаётган озуқа экинларини улушини талаб даражасига етказиш, минерал ўғитларни босқичма-босқич органик ўғитлар билан алмаштиришни таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишнинг биологик усуллари кенг жорий этиш; органик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепция-сини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон (30.10.2019) фармони.
2. Икромова С.А., Рустамова Д.Р. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари. // Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлатнинг аграр сиёсати ва унинг устувор йўналишлари. Т.: 2010 й 170-172 бет
3. Turobova, Hulkar. «Synergetic model of improving effectiveness of land use.» Development scenarios and alternatives in the modern economy [L 19] (2015).
4. Тўраходжаев Т.И. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш технологияси. Ўқув қўлланма. Т.2004.
5. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарида озика базасини мустаҳкамлаш ва молларни озикалар билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича тавсиянома. Тузувчилар: проф. У.Н.Носиров, Х.Н.Атабаева ва бошқалар. Тошкент аграр университети. Т.:2008
6. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. Т.: 2020 йил. 25–26 бетлар
7. www.agro.uz
8. <https://water.gov.uz/uz/page/1/1>